


Хунаримда Ватан мужассам

Миллийликни тараннум этувчи хунармандчилик намуналари орасида қўғирчоқ тикувчи усталар деярли ҳар бир вилоятда учрайди. Андижон, Тошкент, Хоразм, Навоий, Сирдарё вилоятларида ижод қилаётган хунарманд усталар мисолида хунармандчилик намуналари билан танишишингиз мумкин. Масалан, бошида дўппи, лўппи юзли, киприклари узун қиз тимсолини акс эттирган қўғирчоқ андижонлик Манзура Юсуповага тегишли бўлса, лойдан ишланган гўзал ўзбек қизлари тошкентлик Насиба Ахмедованинг ижод маҳсулидир. Хоразмлик қўғирчоқдўз Мансур Курязовни эса бугун нафақат юртимизда, балки чет элда ҳам жуда яхши билишади. Ана шундай ижодкорлардан бири, “Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими аълочиси” кўкрак нишони совриндори, “Хунармандлар” уюшмаси аъзоси Махада Алламбергеновадир.



Хунарманд аёлнинг ижодиёти ўзига хос ва ранг-баранг. У қорақалпоқ халқининг миллий маданияти ва санъатини қоғоз ва лой орқали қўғирчоқларда акс эттириб, дунё мамлакатларининг таҳсинига сазовор бўлиб келмоқда.

Қорақалпоғистоннинг Тахтақўпир туманида туғилиб вояга етган Махада Алламбергенова - 1980 йили Ж.Шамуратов номидаги Нукус давлат санъат билим юртинининг графика мутахассислигини тамомлаган. У йиллар давомида миниатюра, рангтасвир ва бўёқли нақшларда ўз асарларини яратди. Шу билан бир қаторда Нукус шаҳридаги 33 сонли ихтисослаштирилган мактабда расм ва чизмачилик фанидан 23 йил ўқувчиларга таълим берди. Нафақага чиққанидан сўнг, миллий хунармандчиликда ўзининг кенг қамровли ижодини давом эттириб, қорақалпоқ миллий маданияти ва санъатини уйғунлаштирган хунармандлар мактабини ярата олди. Айни пайтда Махада опа, ўз устахонасида шогирдлари билан янги-янги ижодий ишларга қўл урмоқда. Қорақалпоғистоннинг чекка-чекка ҳудудларида ишсиз хотин-қизларга маҳоратли дарслар ўтказиб, хунармандчилик орқали тадбиркорлик билан шуғулланиш мумкинлигини ўргатмоқда. Бундан ташқари, Шимоли-ғарбий ҳарбий округи билан ҳамкорликда уюштирилаётган тадбирлар доирасида Нукусдаги 1 сонли ёпиқ шаҳарчанинг “Ватанпарвар”

маҳалласида ҳарбийларнинг оилаларига ҳам қўғирчоқ яшаш сир-асрорларидан сабоқ бериб келади.

-Устозим рассом Кидирбай Нажимовдан қўғирчоқ яшашни ўрганганман, - дейди Махада Алламбергенова суҳбатида. Қўғирчоқлар ва сувинерларни мен кераксиз қоғозлардан фойдаланиб, ясайман. Қоғозни ивитиб олиб, унга махсус елим аралаштирасиз ва хамир холига келтириб оласиз. Сўнг аралашмани қолипларга солиб керакли буюмни ясайсиз. Мени кўпчилик қўғирчоқларимдан танишади. Қўғирчоқларимдаги образлар ҳам қорақалпоқ қизу-жувонлари ва момолар сиймосидан олинади. Ва асосийси, мен ҳар бир образимга қорақалпоқ халқининг миллийлигини сингдираман. Либослар, бош кийим ва тақинчоқлар буларнинг бари қўғирчоқларимнинг қорақалпоқ эканлигинидан дарак беради.

Image not found or type unknown



Чиндан ҳам устанинг қоғоздан чиройли санъат асарини яратиши мўжиза. Бу қўллар меҳнатга яралган деймиз. Дарҳақиқат, кун келиб, меҳнат маҳсули ортидан данак ниҳол бўлади, бир уй обод гўшага айланади, Махада опанинг қўллари эса гўзал асарларни яратаверади. Махада опа суҳбатлашиб ҳам ўз ишидан чалғимас экан. Саволларга жавоб беряптилар-у, қўллари эса қоғоздан ясалаётган қўғирчоққа ишлов бериш билан банд.

-Бу сулув келин образи, - дейди опа. Келин бўлган аёлнинг либоси бошқача бўлади. Қўғирчоқда қорақалпоқ миллий бош кийими саукеле ва миллий кўк кўйлаги тасвирланяпти. Саукеле ва кўк кўйлакни фақат қизлар турмуш қурганда, катта байрамларда кияди. Сайёҳлар устахонамга кўп келишади. Мен уларга қўғирчоқларимни яратишда энг аввало миллий қадриятларимизга таянишимни айтиб ўтаман. Миллийлик замирида тарих, ўзликни англаш каби ғоялар мужассамки, ҳар бир инсон ўз миллий қадриятларига нисбатан доим ҳурмат ва эҳтиромда бўлмоғи лозимдир.

Image not found or type unknown



Қўғирчоқ яратилиши ҳақида аниқ асосли фактлар йўқ. Кимдир Греция Ватани деса, яна кимдир Мисрда ихтиро қилинган деган фаразларни айтади. Қўғирчоқ аслида қизлар овуниб ўйнайдиган ўйинчоқ бўлиб, бугун дўконларда европа давлатларининг энг зўр брендлари асосида ишлаб чиқарилаётган қўғирчоқлар ўрин олган. Миллий қўғирчоқларимиз эса сайёҳларнинг эътиборини жалб этиш учун сувинер дўконларида сотилаётганлигини гувоҳимиз. Бу ҳақида Маҳада опага мурожаат этганимизда, ундан шундай сўзларни эшитдик:

-Ўйинчоқлар ҳам болани тарбиясида муҳим роль ўйнайди. Тўғри, ҳозир замонавий бир замонда яшаймиз. Йиғлайдиган қўғирчоқлар бор, гапирадиган ва ҳаттоки овқат ейдиган қўғирчоқлар ҳам яратилган. Лекин бу қўғирчоқлар қай даражада боланинг тарбияси ва соғлиғига таъсир этаётганлиги ҳақида ҳеч ўйлаб кўрмаймиз. Қўғирчоқлар савдосида одатда мактабгача таълим муассасалари ходимларидан буюртмалар келиб тушади. Ота-оналарнинг қизиқишлари эса сустроқ. Хохлардимки, тарбия жараёнида ота-оналар тажовузкорона нигоҳларга эга қўғирчоқлар ёки ўйинчоқ қуролларни эмас, балки миллий характерни ўзида акс эттирган қўғирчоқларни фарзандларига ҳадя этишса. Қўғирчоқ бир предмет бўлсада, бола онгида ўз халқига ҳурмат ҳисси уйғонади, фахрланиш туйғулари жўш уриб, ватанпарвар инсонлар сафида ўз юртига садоқатли инсон бўлиб улғаяди.

Image not found or type unknown



Мазмунли кечга суҳбат асносида яна бир латофатли қизнинг образи яралди. Бу қўғирчоқ Маҳада опанинг ўй-ҳаёллари, Она юртига бўлган чексиз меҳру-муҳаббати тимсоли сифатида қаршимда гавдаланди. Дарҳақиқат, ватанпарварлик касбу-кор танламас экан. Инсон қўллари гул, кун келиб бу қўллар Ватанни бунёд этишгада қодир.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати,

Шоҳиста Абдурахманова

Фото: М.Абибуллаев